

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 21 декабрь, № 272 (8052)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КЕНГАЙТИРИШГА КўРСАТМА БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва кооперация асосида балиқ етиштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида молиявий масалалар ҳал қилиниб, барча имкониятлар яратиб берилганига қарамай, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда камчиликлар сақланиб қолаётганига эътибор қаратди. Кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш, ўз ҳудудида зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли захирасини шакллантириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш барча даражадаги ҳокимларнинг диққат марказида бўлиши кераклиги таъкидланди.

— Дунёда озиқ-овқат нархларининг ўсиши, инфляция хавф-хатарлари келгуси йилда озиқ-овқат хавфсизлиги энг долзарб масала бўлиб қолишини яққол кўрсатмоқда. Шу боис вилоят ҳокимлари ўз ҳудудида балиқ етиштириш ҳолатини таҳлил қилиб, тадбиркорлар ва аҳоли хонадонларига барча шароитларни яратиб бериш бўйича тизимли шуғулланиши зарур, — деди Президент.

Ўтган беш йилда мамлакатимизда балиқчилик тармоғида умумий қиймати 2,2 триллион сўмлик 1016 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида балиқ етиштириш ҳажми 6 бараварга ошиб, жорий йилда 400 минг тоннага етказилди. Балиқ истеъмол қилиш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 5,7 баробарга ошди.

Йиғилишда бу кўрсаткичлар етарли эмаслиги, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани танқид қилинди. Навоий, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик ҳалигача гектарига 3-4 тоннани таъминлаштириш, ушбу ҳудудларда интенсив балиқ етиштириш ҳажми умумий ишлаб чиқаришнинг 10 фоизидан ошмаётгани кайд этилди.

Шу муносабат билан сунъий ҳавзаларни интенсивлаштириш, тармоқда кластерлар ва кооперация тизимини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Келгуси йилда балиқ етиштириш ҳажмини 600 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилди.

Бунга эришиш учун Шароф Рашидов тумани тажрибаси асосида келгуси йилда 10 мингта хонадонда интенсив балиқ етиштириш йўлга қўйилади. Хонадонларда кооперация асосида йилга 80 тоннадан ортик балиқ етиштирилган кластерлар уч йил муддатга солиқлардан озод этилади. Хориждан мутахассис жалб қилган кластерларга эса харажатларнинг бир қисmini қоплаб бериш тартиби ўрnatилади.

Уйида балиқ етиштирувчилар учун “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган кредитлар миқдори 2 баробарга оширилади, бу мақсадларга келгуси йилда 400 миллиард сўм ва 20 миллион доллар йўналтирилади.

Балиқ етиштирувчи хонадон эгалари учун ер ва мулк солиқлари 50 фоизга қамайтирилиб, улар ўзини ўзи банд қилган аҳоли тоифасига ўтказилади.

Янгийўл ва Қуйи Чирчиқ туманларида аҳолини балиқ етиштиришга ўргатиш бўйича тажриба ўтказилиб, келгуси йил 1 июндан Навоий, Сирдарё

ва Фарғонада ҳам кенг жорий қилишга кўрсатма берилди.

Шунингдек, йирик балиқчилик лойиҳаларига келгуси йилда 20 миллион евро жалб қилиш режалаштирилган. Ҳосилдорлиги паст бўлган 21 минг гектар сунъий ҳавзаларда ҳосилдорликни 3 баробарга ошириш ва қўшимча 190 минг тонна балиқ етиштириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун 2,2 мингта хўжаликни 50 мингта суғиш кислород билан бойитиш ускунаси — аэрактор билан жиҳозлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддиларга ушбу имкониятлардан фойдаланиб, янги лойиҳаларни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ички бозорни балиқ маҳсулотлари билан тўлдириш юзасидан топшириқлар берилди.

Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари балиқчиликда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди ҳамда 2022 йилги режаларини тақдимот қилди.

Ў.А.

НАТИЖАЛАР ИМКОНИЯТЛАР ДАРАЖАСИДА ЭМАС

Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва кооперация асосида балиқ етиштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида молиявий масалалар ҳал қилиниб, барча имконият яратиб берилганига қарамай, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда камчиликлар сақланиб қолаётганига эътибор қаратди.

■ Акс садо

Омонжон МУСАЕВ, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раиси:

— Кейинги беш йилда балиқчилик соҳасида ижобий натижалар кўзга таш-

ланмоқда. Бироқ қўлга киритаётган ютуқларимиз мавжуд имкониятларимиз даражасида эмас. Президентимиз йиғилишида бунга алоҳида таъкидлаб ўтди. Озиқ-овқат хавфсизли-



ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЕТАКЧИ ОАВ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ ТАШРИФИНИ КЕНГ ЁРИТДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ва Президент Мун Чжэ Ин билан музокаралари якунлари Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилмоқда.

■ Биз ва жаҳон

Хусусан, Жанубий Кореянинг энг оммабоп наشري ҳисобланган **“The Korea Post”** журнали Ўзбекистон етакчисининг давлат ташрифи муносабати билан мамлакатимиз ҳаётига бағишланган махсус сонини чоп этди.

“Президент Шавкат Мирзиёев замонамизнинг энг машҳур етакчиси” деган шиор билан нашрдан чиққан

ушбу журналда сўнгги беш йил давомида юртимизда янги даражага кўтарилган кенг қўламли сиёсий, иқтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислохотлар, октябрь ойида бўлиб ўтган Президент сайлови натижалари, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги катта ўзгаришлар, спорт соҳасида Ўзбекистон ёшлари эришган ютуқлар, икки мамлакат ҳуқуқ-тарти-



МИНТАҚАМИЗДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Кеча пойтахтимизда Фўқаролик жамиятининг аёллар ташкилотлари иштирокида “Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги БМТнинг 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш” мавзусидаги минтақавий форум ўз ишони бошлади.

■ Форум

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти раиси Т. Норбоева, БМТ Бош қотиб-ининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н. Герман, “БМТ-Аёллар” тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий офиси директори А. Эль-Яссир ва қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари, шу жумладан, Марказий Осиё давлатларидан 30 дан ортик фўқаролик жамиятлари аёл вакиллари иштирок этмоқда.

Форум очилишида сўз олган

Т. Норбоева ушбу тадбирдан кўзланган мақсад, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда превентив дипломатияда аёллар ўрни, иштироки ва роли, бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берди.

Олий Мажлиси Сенати Раиси, жумладан, шундай деди: “Бу галги форум шуниси билан аҳамиятлики, Мулоқот аъзолари, давлат тузилмалари, минтақадаги аёллар фўқаролик жамияти ташкилотлари вакиллари, БМТ тузилмалари раҳбарлари ва халқаро экспертлар биринчи марта “Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик” глобал кун тартибини миллий ва минтақавий даражада амалга оширишда

ҳамкорлик қилиш масаласини муҳокама қилиш учун Ўзбекистонда йиғилди.

Ҳозирда биз фаолияти давомида гендер тенгликни тарғиб қилиш, барча даражада (маҳалла, туман, вилоят, республика) опа-сингилларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш масалаларини қамраб оладиган етакчи хотин-қизлар миллий платформасини яратиш устида ишляпмиз.

Бугун долзарб масалалар, жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фўқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутуши ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда юртимизда 10 мингта ақин нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 300 дан ортиғи айнан гендер масалалари билан фаол шуғулланиб келмоқда”.

Форумда айтилганидек, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти минтақадаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва иқтимоий ролини ошириш ҳамда барқарор ривожланиш билан боғлиқ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ ДАРОМАД МАНБАИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августдаги тадбиркорлар билан очик мулоқотида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш механизминини соддалаштириш, аҳолининг бандлигини ошириш, даромад манбаини кенгайтириш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил давомида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда — дастурлар) доирасида:

а) лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — жамғармалар) ресурслари тижорат банклариға йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирилади;

б) имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада:

оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

ч) **чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун** — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

г) **боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, кишлоқ хўжалиғи техникаси ва асбоб-**

ускуналарни харид қилиш учун — 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга;

д) **“Хунарманд” уюшмаси аъзоларига** ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, “Уста — шогирд” мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устaxonалар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун — 3 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга ажратилади;

е) кредитлар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қиладиган (жойлашган) қарз олувчига берадиган тавсияси асосида ажратилади;

ж) чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар устувор равишда камида 10 дан 50 бошгача четдан келтирилган наслии чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун кичик фермаларни ташкил этишга берилади;

з) “етақчи” тадбиркорлик субъектларига деҳқон хўжалиқлари ер майдонлари ва аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистоннинг ишончли дўсти ва алоҳида стратегик шериги — Корея Республикаси билан барқарор, ишончга асосланган ва жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликни қадрлаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ТАРИХИЙ ДЎСТЛИКДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК САРИ

Янги Ўзбекистоннинг етти йўналишдан иборат бўлган Тараққиёт стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири — миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, 2030 йилга бориб мамлакатимизда жон бошига ҳисоблаганда аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш вазифаси қўйилган.

Ана шу улугвор, айна пайтда пухта ва чуқур асосланган стратегик режаларимизда асосий хорижий шерикларимиздан бири ҳисобланган Жанубий Корея билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни аянада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жанубий Корея бугунги кунда “Осиё йўлбарси” номини олган, юксак тараққиётга эришаётган мамлакат ҳисобланади. Ушбу мамлакат аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича жаҳонда 12-ўринни эгаллайди. “Hyundai-Kia” концерни 2020 йилда 6 миллион 520 мингта автомобиль ишлаб чиқариб, ушбу кўрсаткич бўйича дунёда тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Мам-



лакат пойтахти Сеул рақамли технологияларни жорий қилишда етакчилардан ҳисобланади.



Пак Кванг Он, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси «Корея Республикаси — Ўзбекистон» парламент дўстлик ассоциацияси раиси:

— Ўзбекистон ва Корея Республикаси узоқ йиллик ҳамкорлик тарихига эга. Бугун эса мамлакатларимиз сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан жуда яқин муносабатлар босқинида, дея бемалол айта оламиз. Хусусан, парламентлараро муносабатларни олиб қарайдиган бўлсак, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари билан видео-конференцлоқа орқали мамлакатларимиз ва парламентлараро ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш истиқболлари юзасидан флр алмашдик.



қарорларни қабул қилиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида норасмий минтақавий платформа сифатида ташкил этилган бўлиб, ўтган даврда тузилма томонидан муайян ишлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилди.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчи

аёллари мулоқоти қисқа вақтда гендер тенглик, барқарор ривожланишни рағбатлантириш, минтақа аёллари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган аёлларнинг муҳим норасмий коалицияси эканлигини исботлади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА АҲОЛИНИНГ ДАРОМАД МАНБАИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. “Агробанк” АТБ, АТ Халқ банки ва “Микрокредитбанк” АТБ (кейинги ўринларда — ваколатли тижорат банклари) 2022 йил 1 мартдан дастурлар бўйича кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (кейинги ўринларда — Ягона электрон платформа) орқали ажратилишини таъминласин. Бунда:

кредит олиш учун аризалар барча босқичларда онлайн тарзда кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида Ягона электрон платформа (СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) орқали маълумот бериб борилади;

кредит маблағларини ажратиш бўйича ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва масофадан имзоланади;

кредит олиш учун аризалар масофадан қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки тегишли маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан тақдим этилади;

Ягона электрон платформа орқали аҳолига ўзини ўзи банд қилиш учун кредитлар белгиланган мезонлар асосида **скоринг баҳолаш натижаларига кўра**, автоматлаштирилган ҳолда ажратилади;

ажратилган кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин **сотиб олиш** ёки **сотиш** Ягона электрон платформада яратилган **“маркетплейс” тизими** ёрдамида амалга оширилади;

ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича тақлифлар асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар етказиб бевуви (иш бажарувчи) ташкилотлар (кейинги ўринларда — таъминотчилар) томонидан “маркетплейс” тизимида эркин жойлаштирилади;

таъминотчилар томонидан кўрсатилган хизматлар фойдаланувчилар томонидан баҳоланади ва уларнинг рейтинги автоматик равишда шакллантирилади;

таъминотчиларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариши юзасидан мониторинг туман (шаҳар) оилавий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан амалга оширилади. Мониторинг натижаларига кўра, таъминотчиларнинг “маркетплейс” тизимидаги ўз хизматларини тақлиф этиш имконияти даврий равишда ўрганиб чиқилади;

кредитлар қарз олувчига у томонидан мустақил танланган таъминотчи билан тузилган шартнома асосида қилишилган нархда **маҳсулот етказиб берилганидан** (иш бажарилганидан) ва қарз олувчи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан **ўтказилган мониторинг натижасига кўра**, қарз олувчини **идентификациялаш** орқали таъминотчига ўтказиб берилади;

ҳоким ёрдамчилари ўзига бириктирилган маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб боради ҳамда **кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича** ҳоким сектор раҳбарлари ва тижорат банклари билан биргаликда тегишли чораларни кўради.

3. Марказий банк Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда Ягона электрон платформадан фойдаланиш, шу жумладан, кредитларни ажратиш, расмийлаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг ўзаро электрон ҳамкорлигини тартибга солишни назарда тутувчи тегишли низоом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маъжамасига киритсин;

2022 йил 1 февралга қадар Ягона электрон платформа Икки ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ТАРИХИЙ ДЎСТЛИКДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК САРИ

Жанубий Кореянинг “Samsung” ва “LG Electronics” концернлари телевизор-лар, гаджет, смартфонлар ҳамда маиший электроника маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам пешқадам-лик қилмоқда.

Ўзбек ва корейс халқини тарихий тақдирлар, уйқаш маданий ту-тумлар боғлаб туради. Шу боис халқларимиз ўй-фикри, дунёвий му-носабатлари жуда ўхшаш ва яқдил. Кейинги йилларда дунёга очилган мамлакатимиз **“Янги Ўзбекистон мўъжизаси”** сифатида танилиб улгурди. Инсонсеварлик, ватанпар-варлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат каби фазилатлар икки халққа ҳам бирдек хосдир. Худди ана шу фа-зилатлар мамлакатларимиз ўртаси-даги ҳамкорликка муҳим асос бўлмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида стра-тегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация асосида стратегик ше-риклик даражасига кўтарилди. Ие-рик инвестициявий лойиҳаларни мо-лиялаштириш, иқтисодий, энереге-тика, молия, сармоя, юқори техно-логиялар каби соҳалардаги ҳамкор-лик тобора фаоллашди, ўзаро то-вар айирбошлаш ҳажми муттасил ортиб бормоқда, гуманитар алоқа-ларни кенгайтириш, вазирликлар ва идоралараро ҳамкорлик янада мус-таҳкамланяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёёв-нинг Корея Республикасига бу га-лги ташрифи икки давлат ўртасида-ги стратегик ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтарди.

Биринчидан, *икки томонлама муносабатларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияс*и тузилган. Шу асосда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йилдан буён икки мам-лакат Бош вазирлари ўринбосар-ларининг иқтисодий масалалар бўйича учрашувлари формати жо-рий этилган. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ва инвестицияларни жалб қилиш бо-расида янги йўналишларга асос солди.

Иккинчидан, *мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 22 — 25*

ноябрь кунлари Жанубий Кореяга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муно-сабатларда янги саҳифа очди. Ўшан-да, хусусан, қарийб 10 миллиард дол-ларлик ҳужжатлар ва инвестиция-вий шартномалар имзоланган.

Учинчидан, *2019 йил 18 ап-рель куни Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзе-бекистонга давлат ташрифи* доираси-да қиймати 12 миллиард доллардан ортиқ янги битимлар имзоланди. Бу энергетика, нефть-газ, кимё, тоғ-кон саноати, машинасозлик, электротех-ника, тўқимачилик, енгил саноат, транспорт ва логистика, инфрату-зилма, ахборот-коммуникация тех-нологиялари, рақамли тиббиёт каби соҳаларни камраб олди.

Тўртинчидан, *2021 йил 28 ян-варда Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентларини Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин ўртаси-даги видеоконференция шаклидаги саммитида* “тўрттинчи саноат инки-лоби”ни қўллаб-қувватлаш, иқтисо-дий ҳамкорлиқни ривожлантириш, “рақамли” ва “яшил иқтисодиёт” соҳаларида ҳамкорлиқни кенгайти-риш бўйича ўзаро англашув мемо-рандумлари имзоланди. Шунингдек, эркин савдони йўлга қўйиш, экс-портни рағбатлантириш борасида қелишувларга эришилди.

Корея Республикаси Ўзбекистон-нинг асосий савдо-иқтисодий ҳам-корларидан ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилмоқда. Хусусан, товар айирбошлаш икки баробар кўпайиб, 2,2 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётида Жанубий Кореядан йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 7 мил-лиард доллардан ошди.

Кейинги беш йилда мамлақати-мизда Корея сармояси иштироки-даги корхоналар сони икки биро-бар кўпайди. Бугун улар мингтадан ортиқ. Корея компаниялари билан биргаликда Ўзбекистонда умумий қиймати 9 миллиард доллардан зиёд 52 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва қўшма кор-

хоналар сони қарийб икки баробар ортиди. Биргаликдаги сазй-ҳаракат-лар билан қишлоқ ҳўжалиги усу-чаларни ва электр тўхикаси ишлаб чиқариш, энерготехника тармоғи ва энергетика, саноат корхоналарини барпо этиш каби соҳаларда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Пандемия оқибатларига қарамай, кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётвр. Бугунги кун-да Ўзбекистонда Жанубий Корея-нинг 928 та корхонаси фаолият олиб борапти. Биргина 2021 йилининг январь — октябрь ойларида Корея Республикаси капитални иштироки-да 80 та корхона ташкил этилди.

Агар 2016 йилда Корея Респу-бликасининг Ўзбекистон билан савдодаги улуши 4,4 фоизни таш-

Ўзбек ва корейс халқини тарихий тақдирлар, уйқаш маданий тутумлар боғлаб туради. Шу боис халқларимиз ўй-фикри, дунёвий муносабатлари жуда ўхшаш ва яқдил. Кейинги йилларда дунёга очилган мамлакатимиз **“Янги Ўзбекистон мўъжизаси”** сифатида танилиб улгурди. Инсонсеварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат каби фазилатлар икки халққа ҳам бирдек хосдир. Худди ана шу фазилатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка муҳим асос бўлмоқда.

кил қилган бўлса, 2020 йилда бу 5,9 фоизга етди. Шу даврда савдо-да Ўзбекистон билан Жанубий Корея импортнинг улуши 7,2 фоиз-дан 9,9 фоизга ўсди.

Ўзбекистоннинг инсон капитални ва табиий ресурслари Корея Рес-публикасининг истиқболли техноло-гиялари ва билимлари билан бир-лашса, жаҳон бозорига талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши замин яратади. Жумладан, мамлакатларимиз биргаликда таш-кил этган Тўқимачилик технопарки ва Қишлоқ ҳўжалиги машина-созлиги марказининг фаолияти хар томонлама рағбатлантирил-

моқда ва ривожлантириляпти.

Ўтган беш йилда Ўзбекистонда Корея Республикасининг қатор олий таълим муассасалари филиаллари очилди. Бунда асосий эътибор ав-томобилсозлик, электротехника, ар-хитектура, компьютер, энергетика ва кимё, туризм менежменти, мак-табгача таълим, менежмент ва бух-галтерия бўйича кадрлар тайёр-лашга қаратилаяптир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёёв-нинг Корея Республикасига давлат ташрифи, унинг доирасида қабул қилинган қарорлар ва эришилган ке-лишувлар аҳамиятига кўра, алоҳида стратегик шериклик муносабатлари-ни янада юқори даражага олиб чи-қиш учун мустаҳкам пойдевор яратувчи тарихий воқеа бўлди. Дав-

25-сессиясини ўтказиш жойи сифа-тида Самарқанд номзодини қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон, ўз навба-тида, Кореянинг 2024-2025 йиллар-да БМТ Ҳафсизлик кенгаши му-ваққат аъзоси бўлиш ниятини қўллаб-қувватлайди.

Президентимиз Ўзаро манфаат-ли ҳамкорлиқнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини илгари су-риш мақсадига хар икки мамлакат парламентидаги ҳамда ҳукуматлари даражасидаги мулоқотнинг янги са-марали механизмларини жорий қилишни тақлиф этди. Ташриф до-ирасида стратегик шериклик муно-сабатларини янада чуқурлаштириш-га қаратилган қўшма баёнотнинг имзолангани худди шу мақсадлар-га хизмат қилади. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари ўрта-сида 2022 — 2024 йилларга мўлжал-ланган ҳамкорлик дастурининг им-золаниши ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни хар томонлама ривож-лантириш, 2022 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини кенг нишонлаш, халқ-ларимиз ўртасидаги дўстлик муно-сабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилади.

Иккинчидан, миллий иқтисодиёт-ни рақамлаштириш, “яшил иқтисо-дий”ни шакллантириш, кучли иж-тимоий сиебатни ҳамкорликда та-комиллаштиришга қатта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Жанубий Ко-реянинг рақамли иқтисодиёт, сунъ-ий интеллект, “ақли шаҳар”лар, ауторсинг, алоқанинг янги авлоди ва интернет-технологиялар бораси-даги ютуқларидан ўз амалиётида фойдаланишдан манфаатдор. Жанубий Корея ахборот-коммуни-кация соҳасида жаҳонда тан олинган етакчи давлатлардан биридир. Унинг ишлохотлари Бирлашган Мил-латлар Ташкилотининг баҳолаш рей-тингларида биринчи ўринда қайд этилган. Стратегик шеригимиз сунъ-ий интеллект технологиялари, кат-та маълумот базалари, булутли тех-нология, 5G технология каби дол-зарб соҳаларда ўз устуворлигини намойиш этиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам Жанубий корейлик ҳамкорлар билан бирга

Халқ сўзи

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ
ЕТАКЧИ ОАВ ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ДАВЛАТ ТАШРИФИНИ
КЕНГ ЁРИТДИ



Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиесий иро-даси туфайли минтақадаги давлатлар билан қарор томон яхши қўшничилик ва дўстлик алоқаларининг мустаҳкамлиб бораётгани, Ўзбекистон етакчиси томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган Марказий Осиё дав-латлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси ҳаётда қатта самара бераётгани алоҳида қайд этилган.

Мақолаларда, шунингдек, Ўзбекистон Республи-каси билан Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги ҳолати таҳлил қилиниб, истиқ-болдаги йўналишлар ҳақида ҳам фикр юритилган.

Бундан ташқари, етакчи ахборот агентлиги — **“Yonhap News”** ўз шарҳида ташриф чоғида икки мамлакат раҳбарлари алоҳида стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган истиқболли ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлларини му-ҳокама қилганини қайд этади.

Томонлар Қўшма баёнот қабул қилиб, унда мам-лакатларнинг ўзаро алоқаларини, жумладан, савдо битими орқали Жанубий Кореянинг Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаши, саноат ва илм-фан, қурилиш ҳамда инфратузилма, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва тиб-биёт соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича аниқ режа-ларини яна бир бор тасдиқлади.

Нуфузли **“Korea Times”** газетаси эса Президент Мун Чжэ Иннинг “Икки мамлакат алоҳида стратегик шериклар ҳисобланади ва қишлоқ ҳўжали-ги техникаси, энергетика инфратузилмаси ва электр станциялари каби қўллаб фаолият соҳаларида ишти-рок этмоқда. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг ав-томобиль қисмлари, электроника, алоқа, молия ва бошқа соҳалардаги 910 та фирмаси ишламоқда” де-ган сўзларини келтирган.

“Inews24” интернет наشري ўз шарҳида қайд этишчига, икки мамлакат раҳбарлари илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари рақамли та-раққиёт даражасида ижтимоий ва иқтисодий ривожла-нишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари эканини тасдиқлаган ҳолда, сунъий ақл ва янги ахборот-ком-муникация технологиялари каби соҳаларда ҳамкор-лиқни кенгайтиришга қелишиб олди.

Бундан ташқари, пандемиядан сўнг нормал ҳаёт-га қайтиш учун соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаси-да алоқалар муҳимлигини ҳисобга олиб, ушбу йўна-лишда технология ҳамда тажриба алмашши бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

“Hankyung” номли етакчи онлайн-газетада эълон қилинган хабарга кўра, икки мамлакат янги ва қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия самарадор-лиги ҳамда эски электр станцияларини модерниз-ациялаш каби соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакат саноат техноло-гиялари, шунингдек, “ақлли” фермер ҳўжаликлари яратиши ва инновацион технологиялар соҳасида ҳам-корлик тўғрисидаги англашув меморандумларини им-золаб, рақамли ва “яшил” соҳаларда ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қелишиб олди.

Инглиз тилида кўп нусхада чоп этиладиган **“The Korea Herald”** газетасида эълон қилинган Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси раиси Ким Ёнг Гу шарҳида Ўзбекистон Президентининг Сеулга давлат ташрифи икки томонлама муносаба-ларни барча соҳада янги босқичга олиб чиққани таъкидланган.

«Дунё» АА.

Ceyl



замонавий электрон ҳукумат тизи-мини яратиш, IT таълимини тако-миллаштириш, телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилаяптир. Ташриф доирасида “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги соҳала-рига оид меморандум имзоланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш фондини жалб қилган ҳолда Тош-кент вилоятида яримтузқачгич ва электроника ишлаб чиқариш бўйи-ча Ўзбекистон — Жанубий Корея кластерини ташкил этиш тақлифи-ни билдирди. Унинг ҳудудида фан-таълим муассасалари, илгор те-хнологиялар соҳасидаги таъдиқот ва ишланмалар марказларини жой-лаштириш мумкин бўлади.

Учинчидан, Жанубий Корея компаниялари билан ҳамкорликда рақамлаштириш, “яшил” энере-гика, машинасозлик, қишлоқ ҳўжа-лиги, тўқимачилик саноати, фар-мацевтика, геология соҳалари ва бошқа қўллаб йўналишларда уму-мий қиймати 5 миллиард доллар-дан ортиқ 40 та янги лойиҳани амалга ошириш режаланмоқда. Бунинг учун аниқ муддатлари бел-гиланган ҳолда “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Тўртинчидан, соғлиқни сақ-лаш, мактабгача ва олий таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқни янги, янада юқори босқичга кўтариш на-зарда тутилмоқда. Ҳозирги пайт-да мамлакатимизда Жанубий Корея билан тиббиётда амалга оширилган илк йирик қўшма лойиҳа натижасида Тошкент шах-

рида Болалар кўп тармоқли кли-никаси фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу соҳада Иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликда мамлакатимизга тиббий ускуналар етказиб бериш тўғрисида ўзаро битим ҳам имзоланди.

Жанубий Корея таълим модели дунёдаги энг намунали тажриба-лардан биридир. Шунинг учун юртимиз таълим тизими Корея Республика-сидаги ҳамкорларнинг илгор таж-рибаси ва билимлари асосида тўлиқ ислох қилинди. Ўтган беш йилда Ўзбекистонда Корея Республикаси қатор олий таълим муассасалари-нинг филиаллари ташкил этилди. Бунда асосий эътибор автомобил-созлик, электротехника, архитекту-ра, компьютер, энергетика ва кимё, туризм менежменти, мактабгача таълим, менежмент ва бухгалтерия бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилган.

Ўзбекистон Президенти универ-ситетлар ўртасидаги инновацион ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳим эканлигини ҳам таъкидлаб, уларнинг мунтазам мулоқоти учун доимий майдон яратиш, келгуси йилда икки мамлакат олий таълим муассаса-лари ректорлари форумини ўтказиш-ни тақлиф қилди.

Бешинчидан, коронавирус пандемиясидан кейинги даврда ту-ризм соҳаси иқтисодий ўсиш локо-мотивларидан бўлиши мумкин. Бу ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Жанубий Корея компанияларининг меҳмонхоналар ва инфратузилма объектлари қурилиши билан боғ-лик лойиҳалардаги иштирокини қўллаб-қувватлашга тайёр.

Корея Республикаси раҳбарияти Ўзбекистон билан алоҳида страте-гик шериклик муносабатларини ўрнатган ҳамкорлар эканлигини ало-ҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида имзоланган муҳим ҳужжатларда эса Жанубий корейлик стратегик ше-рикларимизнинг халқларимиз манфаат-лари учун ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга тайёрликлари ўз ифодасини тоғди.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
академик.

Фикр

МАМЛАКАТЛАРИМИЗ
ҲАМКОРЛИГИГА ЯНГИ СУРЪАТ
БАҒИШЛАГАН ТАШРИФ



Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳамда ҳамкорлик қадимий ва бой тарихга эга. Ташқи сиёсий йўналишда Ўзбекистон тез суръатларда ривожланаётган дунёнинг барча давлатлари қаторида Корея Республикаси билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишга ургۇ бермоқда.

Бугун Корея Республикаси Ўзбекистон учун муҳим давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ушбу мамлакат билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарайди. Шу ўринда айтиш керакки, 1992 йилда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Жанубий Корея Ўзбекистон ташқи савдосида юқори улушга эга бўлган беш давлатдан биридир. Айниқса, сўнгги беш йил давомида амалга оширилган олий даражадаги учрашувлар яқунлари ва янги йўналишлардаги ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар бу борадаги ишларга янги суръат бағишлади.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 170 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳуқуқий база ўзаро ҳамкорлиқнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу йил 16-18 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи билан мазкур мамлакатда бўлиши ҳамкорлигимизда янги саҳифа очди, десак, айни ҳақиқат. Дунё ҳамжамиятининг эътибор марказида бўлган ташриф чоғида қатор янги амалий натижаларга эришилди. Хусусан, икки давлат ўртасида қўллаб-қувватлаш ва меморандумлар имзоланди. Масалан, Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини чўқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнотни қабул қилганлигини алоҳида айтиш мумкин.

Мазкур ҳужжатда ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигини 30 йиллигини кенг нишонлаш, икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадлари қамраб олинган. Рақамлаштириш, “яшил иқтисодиёт” ва кучли ижтимоий сиёсат соҳалари алоҳида стратегик шериклиқнинг уч муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Бундан ташқари, икки мамлакат раҳбарлари жузурида Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳукуматлараро битим, Корея халқаро ҳамкорлик

Абдуғани САНГИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРДА
ЯНГИ САҲИФА



Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари ҳақида гап кетганда, кейинги йилларда ҳамкорлик алоқалари янада кенгаётган, стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётган икки давлат кўз олдимизда гавдаланади. Ўзаро муносабатлар пандемияга қарамасдан, изчил ривожланишда давом этмоқда.

Мураккаб шaroитларда йирик инвестиция ва савдо лойиҳаларининг амалга оширилиши таъминланаётир, янги кооперация объеклари ишга тушириляпти. Жанубий давлати шериклиқнинг кўмаги ва иштирокида Тошкент шаҳрида минтақамиз учун ноёб бўлган замонавий болалар кўп тармокли тиббиёт маркази ташкил этилгани фикримиз тасдиғидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида янги саҳифа очди, десак, муболага бўлмайди.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари иштирокида Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳукуматлараро битим, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги билан 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, энергетика соҳасида ўзаро мулоқот ўрнатиш, “ақлли шаҳар”ларни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш жамғармаси орқали молиялаштириш, нодир металллар, мис ва уларнинг қотишмаларига оид меморандумлар имзоланди. Бу, ўз навбатида, соҳалар ривожига, аҳоли фаровонлигига, мамлакат юксалишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бен Сок билан учрашди.

Сўхбатда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, Президентимизнинг ушбу давлат ташрифи уларга янги суръат бағишлагани мамнуният билан тилга олинди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” фаол ишламоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти, гендер масалалари, таълим ва

Ўрол ҲАБИБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Биз Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи натижаларидан жуда мамнунмиз. Ушбу муваффақиятли ташриф яқин келажақда ўз самаларини беришига ишонамиз. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилгани бизни жуда қувонтиради. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бугунги кунда Корея Республикаси фақатгина тўртта давлат билан бундай шериклик алоқаларини йўлга қўйган. Улар орасида Ўзбекистоннинг борлиги ўзаро алоқаларимиз низоҳатда жадал ривожланаётганидан, мамлакатингиз Корея Республикаси учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат эканидан далолат бериб турибди.



Бунини Ўзбекистон раҳбари бошчилигида мамлакатингизда амалга оширилаётган янгилинишлар ва кенг қамровли ислохотлар натижаси, деб ўйлайман.

Ушбу давлат ташрифи доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Иннинг музокаралари алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонаман ҳамда у мамлакатларимиз тараққиёти ва халқларимиз фаровонлиғида ўз ифодасини топади.

Ким Ёнг Гу, Корея Республикаси — Ўзбекистон бизнес уюшмаси раиси:

— Ўзбекистон — Корея Республикаси ҳамкорлиги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муваффақиятли ривожланаётган ва кенгайиб бораётган йўналишларидан бири саналади. Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига муваффақиятли давлат ташрифи икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида яқин сиёсий муносабатлар юксак даражада йўлга қўйилганидан далолат беради.

Менталитети ва миллий кадриятлари



МИНТАҚАМИЗДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ

Мулоқот бошланганидан бунён бир қатор учрашувлар ўтказилиб, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятини кенгайтиришга оид қўллаб-қувватлаш масалалари ҳамда бу борадаги минтақавий ҳамкорлик истиқболлари ҳар тарафлама муҳокама қилингани мисолида ҳам бунини кўриш мумкин.

Ўз навбатида, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н. Герман форум ташкилотчи бўлган Ўзбекистон томонига миннатдорчилик изҳор этиб, мавзу бўйича фикрларини қуйидагича ифодалади: “Ҳамкорлик” Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик” глобал кун тартибидан амалга оширишда, айниқса, муҳим. Шу ўринда айтиш керакки, БМТнинг мазкур резолюцияси фаол аёллар саъй-ҳаракатлари билан қўлб қилинган бўлиб, ўтган 20 йилда эришилган ютуқларда, шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг хизмати бекиё.

Бугун кўп тилга олинаётган “Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик” битими ва Гуманитар ҳаракатлар гендер тенгликни ва тинчлик ўрнатишини ўзининг устувор мақсади сифатида белгиланган бора ҳамкорлар ўртасидаги алоқаларнинг энг ёрқин намунасиридир”.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Мулоқотга раислиги давомида мазкур тузилмани минтақадagi аёллар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича самарали маслаҳатлашув майдонига айлантиришга қаратилган улкан саъй-ҳаракатлари амалга оширди.

“БМТ-Аёллар” тузилмаси Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий офиси директори А. Эль-Яссир мавзудан келиб чиқиб шундай деди: “Биз воқеаларга низоҳатда бой йилни яқунлаш арафасидамиз. Бу йил Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотига раислик қилди. Қолаверса, турли форум, мулоқот ва ташаббуслар нуктаи назаридан жуда мазмунли йил бўлди.

Мазкур мулоқот муносабати билан нафақат минтақа, балки дунё бўйича аёллар фаровонлигини ошириш, уларнинг хавфсиз ва ишончли ҳаёт кечирishi учун имкониятлар яратилишининг амалий йўллари муҳокама қилиш мақсадида етакчи аёллар ва фуқаролик жамияти вакиллари тўпланди. Айтиш жоизки, тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга қўмаклашиш мақсадида БМТ Бош қотиб бу ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон ушбу минтақавий



ташаббусни самарали бошқармоқда, биз мамлакатнинг бу борадаги содиқлигини олқишлаймиз. Мухими, зиммасига олган мажбуриятларни изчил баҳариб келмоқда. Шу орқали Ўзбекистон инсон ва хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи назаридан мазкур глобал ҳамжамиятининг бир қисми эканлигини исботламоқда”. Киргизистон Республикаси Жўқорғи Кенешининг депутаты А. Алтибаева мавзу бўйича шундай фикр билдирди: “Хотин-қизлар оиласи, мамлакатини, умуман, бутун дунёда тинчлик ва хотиржамлик бўлишини истайди ва шунга ҳаракат қилади. Шу маънода, минтақамизда тинчликни сақлашда улар салоҳиятидан фойдалана

ниш жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Шу мақсад йўлида Ўзбекистон парламент вакиллари билан изчил мулоқот қилиб келялмиш. Бу ерда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар қилинган ва бу қандай самара бераётганидан яхши хабаримиз бор. Т. Норбоева айтиб ўтганидек, келаси йилда ҳам Ўзбекистонда Президент ташаббуслари билан оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади.

Форум бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз ва кучимизни бирлаштиришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик”.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР, МУҲИМ ЎЗГАРТИШЛАР, ЯНГИ НОРМАЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакат тараққиётини таъминлайдиган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракцияларда

Давлат фуқаролик
хизмати билан боғлиқ
муносабатлар қонун
билан тартибга
солинади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ўз ичига 10 та боб ва 58 та моддани олган қонун лойиҳасида давлат қарзи ва давлатнинг шартли мажбуриятларини бошқариш бўйича муносабатларни тартибга солиш юзасидан қоидалар, механизмлар белгиланган. Лойиҳада давлат қарзи суммасининг яппи ички маҳсулот (ҲИМ)га нисбатан энг юқори миқдори 60 фоиздан ошмаслиги, давлат қарзи ҳисобидан фақат ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш мумкинлиги белгиланмоқда.

Йиғилишда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилги Давлат дастурининг 7-бандига асосан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматини тартибга солиш ва тегишли субъектларнинг ваколатлари, давлат фуқаролик хизматчининг мақоми, одоб-ахлоқ қоидалари, давлат фуқаролик хизмати тизимига коррупцияга қарши курашиш, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳлари, туркумлари, тоифалари ва малака даражалари, давлат фуқаролик хизматчининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.

Тарихий объектларга
етказилган зарарни
тиклаб бўлмайди

“Моддий маданий мерос объектларининг муҳофазаси қилиниши қўлайлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғи

лишида атрофлича кўриб чиқилди. Кайд этилганидек, моддий маданий мерос объектида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларидаги қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга жазо чораларини янада қўлайлаштиришга қаратилган нормалар киритилмоқда. Шунингдек, мансабдор шахслар иштирокида содир этилаётган бундай жиноятларни тергов қилиш ваколатини прокуратура органлари терговчиларига ўтказиш тақлиф қилинмоқда.

Лойиҳада Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг баҳарлиши мажбурий бўлган қўрсатма ёки тақдирномаларини баҳармаганлик учун ҳам жавобгарлик қўйлаштирилди.

Йиғилишда, шунингдек, “Географик қўрсаткичлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали маҳаллий тадбиркорлик субъектлари географик қўрсаткич билан белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқариши янада ривожлантиради. Энг муҳими, мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида хос бўлган маҳсулотларни ташқи бозорга қаратиш ва хариддориг бўлишига ёрдам беради.

Асосли тақлифлар
илгари сурилди

“Адолат” СДП фракцияси йиғилишида дастлаб депутатлар “Моддий маданий мерос объектларининг муҳофазаси қилиниши қўлайлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектлари ноёблигини сақлаб қолиш, уларни келажақ авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, фракция аъзолари қонун лойиҳасини маъқулладилар.

“Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Қонун лойиҳаси билан давлат қарзини бошқариш тизимининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги давлат қарзини бошқариш, шу жумладан, давлат қар



зини жалб қилиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 3 йил муддатга давлат қарзини бошқариш стратегияси тасдиқланганлиги кўзда тутилмоқда.

Стратегия давлат қарзининг жорий ҳолати ва прогностлари, хатар қўрсаткичлари, давлат қарзига хизмат қўрсатиш, унинг чекланган ҳажмлари, янги шартномалар бўйича йиллик лимитлар, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобида молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни ўз ичига олади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор тақлифлар бериб, уни қўллаб-қувватладилар.

«Давлат қарзи
тўғрисида»ги
қонун лойиҳаси
кўриб чиқилди

“Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан давлат қарзини бошқариш жараёнининг фрагментациялашувининг олдини олиш, давлат қарзи ва давлатнинг шартли мажбуриятлари бўйича хатарларни бошқариш, давлат қарзи бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажарилиши, давлат қарзини барқарор даражада сақлашга қаратилган қонуний механизмларнинг яратилишига эришилди.

Шу билан бирга, қонун Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга, хорижий кредитор ва инвесторларнинг мамлакатнинг қарзларини тўлай олиш салоҳиятига бўлган ишончининг ортishiга ҳамда давлат томонидан қарзларининг қулай шартларда ва паст нархларда жалб қилинишига ижобий таъсир қўрсатади.

Йиғилишда, шунингдек, “Географик қўрсаткичлар тўғрисида”ги, “Моддий маданий мерос объектларининг муҳофазаси

давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омили ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев Сеулда Корея Республикасининг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашди. Ўзбекистон Президентининг 2017 йилда Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида кенг қўламли бизнес форуми ўтказилганини ҳам яхши эслайман.

Бу галги учрашувда Корея Республикаси компаниялари билан рақамлаштириш, “яшил” энергетика, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик саноати, фармацевтика, геология ва бошқа қўллаб-қувватлаш 5 миллиард доллардан зиёд 40 та янги лойиҳани амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари Корея Республикаси компанияларини янги кенг қўламли қўшма ташаббуслар билан чиқишга чакирди. Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда фаол бизнес юритиш учун яратилган шароитларни юқори баҳолаб, сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирди.

«Дунё» АА.
Сеул

Форум давомида “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” глобал кун тартиби — 2000 — 2021 йилларда амалга оширилган ишлар, Марказий Осиёда “Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик” кун тартибини тарғиб қилиш бўйича қарорлар қабул қилишда хотин-қизлар ўрни ҳамда фуқаролик жамияти таъкилотларининг кун тартибидан рўёбога чиқаришга қўшадиган ҳиссаси ва бу борада минтақавий механизм ва платформа-лар масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилмоқда.

Минтақавий форум бугун ўз ишини давом эттиради.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

қилиниши қўлайлаштиришга муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари муҳокама марказида бўлди.

Давлат хизматига очик
танлов асосида ишга
қабул қилинади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар томонидан кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизматини тартибга солишда давлат органларининг асосий ваколатлари белгиланмоқда. Қолаверса, давлат фуқаролик лавозимлари тоифасига кўра “сиёсий”, “бошқарув” ва “ёрдамчи” гуруҳларга ажратилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми, лавозимга тайинлаш ва хизматни ўташ тартиби ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатиш асослари ҳам мазкур ҳужжатдан ўрин олган. Хусусан, давлат хизматига очик танлов асосида ишга қабул қилиниши, давлат хизматчинини бошқа давлат фуқаролик лавозимига ўтказиш унинг ёзма розилиғи билан амалга оширилиши, давлат хизматчиларига ўз хизмат фаолиятида муҳим самарадорлик қўрсаткичларига эришиш мезонлари (КР1) асосида ҳақ тўлатиш назарда тутилмоқда.

Йиғилишда “Давлат қарзи тўғрисида”ги, “Географик қўрсаткичлар тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

НАТИЖАЛАР ИМКОНияТЛАР ДАРАЖАСИДА ЭМАС

➡ Ийгилишда балиқчиликда замонавий технологияларни қўллаш масаласи кўриб чиқилди. Балиқчилик ҳўжаликларига бу борада имтиёзлар ва шароитлар яратиш, жумладан, субсидия бериш, солиқдан озод қилиш режалаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари аҳоли хонадонлари билан кластер усулида ишлаётган ҳўжаликларни уч йил муддатга ер ва мулк солиғидан озод этишни таклиф қилди. Ҳўлайманди, бу катта мотивация бўлади.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш масаласи кўриб чиқилди. Бугунги кунда шунча технологиялар мавжудки, ҳар бир хонадонга тегишли ускуна, чавок ва ем етказиб берилганда йилига 2-2,2 тонна балиқ етиштириш мўмкин. Шунда ҳар бир аҳоли хонадони 12 миллион сўм даромад топади. Бу бандликни таъминлаш ҳамда балиқ маҳсулотларини кўпайтиришга олиб келади.

Шўхрат ОТАБОВЕВ, АТ Халқ банки Бошқаруви раиси:

— Кейинги йилда банкимиз олдида қўйилган вазифалардан биттаси давлат томонидан банкка 20 миллион доллар ажратилиб, ушбу маблағни, асосан, аҳоли хонадонларида балиқ етиштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтиришдир. Ийгилишда “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури доирасида ўз имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда одамларни хонадониди балиқ етиштиришга

ўргатиш, шу орқали даромадларини ошириш, келажақда балиқ маҳсулотлари нарҳининг ошиб кетмаслигига эътибор қаратиш топшириғи берилди.

Президентимиз бу борадаги ишларни кооперация асосида кластер усулида амалга ошириш йўл-йўриқларини тушунтириб берди. Бунда тadbиркорларимизга кўплаб имтиёзлар яратилаяпти. Агар бирор етакчи тadbиркор бирор маҳаллада 50 — 100 та хонадонни танлаб олиб, уларда балиқ етиштиришни йўлга қўядиган бўлса, ушбу тadbиркор ва хонадонлар соҳибларига имтиёзли кредитлар ажаратилади.

Зойир МИРЗАЕВ, Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи:

— Ийгилишнинг мавзуси бевосита озик-овқат хавфсизлиги, фуқароларнинг саломатлигини мустаҳкамлайдиган, умрини узайтирадиган парҳез маҳсулот — балиқ кўпайтиришга қаратилди. Тошкент вилоятини оладиган бўлсак, мазкур масалада ҳудуд жуда катта салоҳиятга эга. Яъни вилоятда йилида 33 минг тонна атрофда балиқ етиштирилади. Ийгилишда асосий эътибор мавжуд балиқчилик ҳўжаликларига, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида ҳосилдорликни кўтаришга қаратилди.

Тошкент вилоятининг танқидга учраган жойи шу бўлдики, вилоятда гектаридан бор-йўғи икки тонна балиқ олинапти. Иккинчи масала интенсив балиқчиликка эътибор қаратилмаган. Яъни мавжуд ҳўжаликларнинг атиғи уч фойзи интенсив технологияга асослан-

ган, ҳолос. Ийгилишда берилган топшириқлар натижада ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган тегишли қарор билан бир қатор масалалар ечимини топапти. Яъни маҳсулотнинг 80 фоизи кластер усулида аҳоли хонадонларида етиштириладиган бўлса, субсидия берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ийгилишда яна бир масала — аҳоли хонадонларида балиқчиликни ривожлантиришга қаратилди. Бугунги кунда вилоятда бор-йўғи 105 та хонадонда балиқ етиштирилмоқда. 2022 йилда зиммамизга бундай хонадонларни камида 1200 тага етказиш вазифаси қўйилди. Агар фуқаролар ўз хонадониди балиқ етиштирадиган бўлса, солиқлари 50 фоизга камайтирилади. Балиқ етиштириладиган хонадонларни таҳлил қилганимизда, бир сотихда камида беш тоннагача маҳсулот олиш имконияти мавжудлиғи маълум бўлди. Тошкент вилоятининг ўзида мазкур йўналишда 159 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундан 26 миллиард сўми мавжуд балиқчилик ҳўжаликларига аэропорларни харид қилишга йўналтириляпти. Балиқчиликни ёки балиқ боқиш технологияларини ўргатувчи ўқув курсларини ташкил қилувчилар учун алоҳида субсидия бериш жорий этилмоқда.

Отабой ОЛЛОБЕРГАНОВ, “Хоразм балиқ саноат агро” балиқчилик кластери раҳбари:

— Президентимиз ийгилишда балиқчилик соҳасини ривожлантириш истик-

боллари ва кооперация асосида балиқ етиштириш самарадорлигини ошириш чора-tadbирларини содда қилиб тушунтириб берди.

Баҳорда Янгийўлда ер олиб, ишни ташкил қилдик. Келганимизда 250 гектар ер ташландик ҳолда эди. Ҳаракат қилиб, балиқ етиштириш учун зарур шарт-шароитларни ҳозирладик. Шу йилнинг ўзида 400 тонна катта, 400 тонна майда балиқ етиштирдик. Бу билан чекланиб қолмасдан, Президентимизнинг бугунги кунда асосий талаби бўлиб турган масала — интенсив усулида балиқ етиштиришни келаси йилда йўлга қўймоқчимиз. Бунда самарадорлик анча ошади. Натижада 2 минг тонна маҳсулот етиштириш имкониятига эга бўламиз.

Фермер ҳўжалигимиз изчил кенгайиб бормоқда. Хоразмда 2 минг тонна балиқ етиштирган эдик. Яратиб берилаетган имкониятлардан руҳланиб, ишни янада кенгайтириш ниятидамиз. Хоразм билан Тошкент вилоятидаги табиий муҳит, ер унумдорлиги, сувнинг таркиби борасида осмон билан ерча фарқ бор экан. Бу ерда дарахт етиштириш учун чўпни ерга сўқиб қўйиш кифоя. Қўқариб кетавераркан. Шу ерда янги корхоналар ташкил этиш, 20 гектар ерда экотуризмни ривожлантириш режамизда бор. Одамлар бу ерга келиб, қармоқ ташлаб, ўзлари балиқ овлаб, ҳордик чиқариб кетиши учун шароитлар яратилади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДА БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Келгуси йилда балиқ етиштириш ҳажми 600 минг тоннага етказилиши шарт — Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун:

- Шароф Рашидов тумани тажрибаси асосида келгуси йилда **10 мингта** хонадонда интенсив балиқ етиштириш йўлга қўйилади;
- хонадонларда кооперация асосида йилига **80 тоннадан** ортққ балиқ етиштирган кластерлар уч йил муддатга барча солиқлардан озод этилади;
- балиқ етиштирувчи хонадон эгалари учун ер ва мулк солиқлари **50 фоизга** камайтирилиб, улар ўзини ўзи банд қилган аҳоли тоифасига ўтказилади;
- хориждан мутахассис олиб келган балиқчилик кластерларига харажатларнинг бир қисми қўллаб берилади.



Уйида балиқ етиштирувчилар учун “Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури доирасида ажратиладиган кредитлар миқдори **2 баробарга** оширилади, бу мақсадларга келгуси йилда **400 миллиард сўм** ва **20 миллион доллар** йўналтирилади.

➡ Келгуси йилда балиқчилик ҳўжаликларига **530 миллиард сўм**, шундан айланма маблағлар учун **200 миллиард сўм** кредит ресурслари ажратилади.

➡ Ушбу маблағлар вилоятлар кесимида тақсимланади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик ишлаш учун хорижга жўнаб кетаетган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ва кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Семинар

Соҳада олиб борилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан халқаро ҳужжатлардаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинади. Шунингдек, фуқароларнинг мамлакатимиздан ташқаридаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва чет эллик фуқароларни Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида жалб қилиш тартиби ягона қонунда тизмлаштирилган ҳолда жамланади. Қонун лойиҳасида ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Соҳада қўламлилик келинаётган тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилмоқда. Кайд этилганидек, лойиҳада назарда тутилаетган нормалар

билан уюшган ҳолда ишга жойлаштириладиган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларни реинтеграция қилиш тартиби тизимлаштирилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, меҳнат мигрантларининг ҳисобини юритиш ва ушбу соҳада мониторингни амалга оширишга хизмат қилади.

Қизғин, муҳокамааларга бой бўлган тadbирда иштирокчилар томонидан ишчи гуруҳи аъзоларига лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар берилди, қўллаб саволлар ўртага ташланди ва уларга атоқли жаваблар олинди.

Қўмитада қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиғи

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОРЗУ-АРМОНЛАРИ, ЎЛМАС ҚАДРИЯТЛАРИ МУСАВВИРИ

Халқнинг азалий орзу-армонлари, ўлмас қадриятлари, умид ва мақсадлари, қувончу қайғулари сўз санъатида намён бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, адабиёт — халқнинг юраги. Шу боис ўзидан бебаҳо ижодий мерос — умрбоқий асарлар қолдирган ёзувчи ва шоирлар ҳаммиса давлатимиз эътиборида, эл-юртимиз ардоғида. Мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиғи ҳам юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ёзувчи ҳаёти ва ижодида бағишланган тантанали адабий-бадий кеча ўтказилди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, адибонинг оила аъзолари, адабиёт ихлосмандлари, ёш ижодкорлар, талабалар, ижодий ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Театр фойесида Ўткир Ҳошимов асарлари, унинг ҳаёти ва ижодида бағишланган китоблар, санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Тadbир аввалида давлат буюртмасига асосан Кинематография агентлиги томонидан ёзувчининг ҳаёти ва ижодида бағишланган таъйёрланган “Чироқ кўтарган одам” номли ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Тантанали кечада сўзга чиққанлар мамлакатимиз адабий-маданий жабҳасидаги ислохотлар ҳамда Ўткир Ҳошимов маънавий меросининг ўрни ва аҳамияти хусусида фикр юритдилар.

Таъкидланганидек, Ўткир Ҳошимов ўтган асрнинг 60-йилларида адабиёт бўстонида ўзига ҳос ёрқин овоз билан қириб келди. Илк асари биланок атоқли ёзувчилар эътиборига тушди. Улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор ёш истеъдодли қаламхак Ўткир Ҳошимовнинг “Чўл ҳавоси” кассасини ўқиб: “Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажиги порлоқ бўлади. ...Шу аланга ҳеч қачон пайсаямим, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин!” дея бўлажак халқ ёзувчисига ўзининг оталарча хайрихоҳлигини изҳор этган эди.

Адибнинг “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга қулоқ

сол”, “Нур борки, соя бор”, “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Икки қарра икки — беш” каби қисса ва романлари, юздан ортққ дилбар ҳикоялари, комедия ва фоҳиялари халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетди.

“Катта истеъдод аввал халқ эътиборини, кейин халқ муҳаббатини ва ниҳоят халқ эътиқодини қозонади. Аслида мана шу уч босқичнинг ҳар биттаси бир умрга тенг”, деб ёзган эди адиб.

Ўткир Ҳошимов ҳаёти давомида ўз ижоди билан ана шу уч умрга тенг яшади, халқнинг эътиборини ҳам, муҳаббатини ҳам, эътиқодини ҳам қозонди.

Бугун юртимизда ёзувчи асарлари қириб бормаган хонадон ҳам топилади. Қисса ва драмалари асосида сахналаштирилган спектакллари, тасвирга олинган кинокартиналари юртдошларимиз севиб томоша қилиб келмоқда.

— “Баҳор қайтмайди” асари асосида суратга олинган видеофильм телевидение орқали намойиш этилган, халқимиз орасида Ўткир Ҳошимовнинг шўхрати яна ҳам ошиб кетганди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев. — Чўнки асарда инсонни қўнғу қўнғида қўнғида, ҳатто йилгатадиган жиддий мавзу қаламга олинган. Ёзувчи асар қаҳармони — Алимардон Тўраев тақдирга орқали умр баҳори инсон ҳаётига бир марта келиши ва асло қайтмаслиғи, шу боис ҳар бир лаҳзани қанимат билиб, уни эзгу амаллар билан ўтказиш лозимлигини, ушбу ҳақиқатни унутиб, қибру ҳавога, ҳою

ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Аввал хабар берилганидек, айни кунларда бўлиб ўтаётган маҳаллий Кенгашлар сессияларида ҳокимлар аҳолига мурожаат йўллар, жорий йилда ҳудудларда амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда келгуси йилдаги устувор вазифалар юзасидан маълумот бермоқда.

Хусусан, Андижон вилояти ҳокими Шўхратбек Абдураҳмоновнинг мурожаатида 2021 йилда вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар сарҳисоб қилиниб, бу борада келгуси йилда бажарилиши зарур бўлган вазифалар тўғрисида сўз юритилди. Қайд этилганидек, ортда қолаётган йил вилоятда ўзига ҳос муваффақиятлар йили бўлди. Деярли барча соҳада салмоқли натижаларга эришилди. Бу, табиийки, орт ободлиги ҳамда аҳоли юрмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳудудда, аввало, аҳолининг эътиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор қаратилди. Бунинг учун иш билан таъминлаш, ижтимоий дафтарларга қиртилганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-tadbирлари бажарилди. Натижада 200 мингдан зиёд ишсиз фуқаронинг бандлиғи таъминланди. “Аёллар дафтери”га қиртилган хотин-қизларнинг 75 минг нафардан ортиғи, “ёшлар дафтери”даги 42 минг 698 нафар йигит-қиз кўрсатилган амалий кўмак туфайли рўйхатдан чиқарилди. Бугунги кунда уларнинг барчаси ўз даромад мабнаига эга.

Вилоятда оилавий тadbиркорлик қилиш истағидаги 11,5 мингта хонадон вакилларининг кредит маблағига бўлган талабларидан келиб чиқиб, уларга қиймати 131 млрд. сўмлик маҳсулотлар етказиб берилди. “Лидер тadbиркор” билан биргаликда тadbиркорлик қилиш истағини билдирган 11 мингта хонадон эгалари маҳсулот билан таъминланди. Ишлаш истағини билдирган 2 минг 66 та хонадон вакилларининг тўлиқ бандлиғи таъминланди. Парранда боқиш хоҳишини билдирган 1 минг 680 та хонадон вакиллари 82 минг 313 бош парранда тарқатилди.

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 2021 йил 1 де-

кабрь ҳолатига қиймати 7,6 трлн. сўмлик 680 та лойиҳа ишга туширилиб, 39 мингта иш ўрни яратилди. Мисол учун, Избоскан туманидаги “Соҳиб омад баракаси” МЧЖ томонидан 2,4 млн. доллар инвестициялар ўзлаштирилиб, йилига 10 млн. дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 1 минг 200 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Жалақудуқ туманидаги “Зумрад текстиль” корхонаси томонидан 24 млрд. сўм инвестиция ўзлаштирилиб, йилига 5 млн. дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва минг нафар қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга эришилди. Йил якуни билан умумий қиймати 10,1 трлн. сўмлик жами 735 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 41 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилди.

Бундай эзгу ишлар 2022 йилда янада кўпаяди. Масалан, вилоятдаги 887 та маҳалланинг 870 тасида паррандачилик кооперативлари ташкил этилади. Ҳудуднинг “Ўсиш нуқтаси”дан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий дастурлар асосида қиймати 10,8 трлн. сўмлик 492 та лойиҳани рўёбга чиқариш натижасида 44 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади.

Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболовнинг мурожаатида 2021 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2022 йилги режалар кенг таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ислохотлар жариёнда, аввало, “давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил амалий фаолиятнинг бош мезонига айланди.

Хусусан, вилоят раҳбари бошчилигида йил давомида фуқаролар билан 22 маротаба ҳудудлараро сайёр қабул ўтказилиб, 3 минг 150 та му-

рожаат қабул қилинган ва шундан 2 минг 214 таси ёки 70 фоизи қаноатлантирилган. Фуқаролардан тўғридан-тўғри келиб тушган 166 минг 113 та мурожаатнинг 140 минг 51 таси ёки 90 фоизи ҳал қилинган.

Шунингдек, тadbиркорлар билан 43 маротаба учрашув ўтказилиб, уларнинг 804 масаласи юзасидан мурожаати кўриб чиқилган ва шундан 587 таси ижобий ҳал этилган.

Тadbиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан жорий йилда 5,3 трлн. сўмдан ортққ кредит маблағлари ажратилди. Худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 3,2 трлн. сўмга тенг 1 минг 78 та лойиҳа ишга туширилиб, 9,2 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Йилнинг ўтган даврида 256 млн. долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилиб, ўтган йилдагига нисбатан 129 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари экспорт ҳажми 172 млн. долларни, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажми 83 млн. долларни ташкил этди.

Қишлоқ ҳўжалиғи вилоят иқтисодиётида асосий тармоқ ҳисобланади. Жорий йилда сув танқислигига қарамаздан маҳсулотли меҳнат ва кластер тизими туфайли мўл ҳосил олинди. Пилла етиштириш 400, мева ва узум 65 минг, сабзавот ва полиз 200 минг, гўшт 5 минг, сўт 27 минг тоннага ошди.

Йил якуни билан вилоят бўйича ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 28,2 трлн. сўмини, ўсиш суръати эса 106,6 фоизни ташкил этиши қутлимқда. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 110,5, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштириш 105,3, қурилиш-пудрат ишлари 108,1, чакана савдо айланмаси ҳажми 107,2 ва хизматлар ҳажми 120,6 фоизга ўсиши таъминланди.

Мурожаатда ана шу каби ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ натижалар баробарида, келгуси йилда амалга ошириладиган муҳим вазифалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Саминжон ҲУСАНОВ, Илҳом РАҲМАТОВ. («Халқ сўзи»).



хавасга берилган киши қисмати фоҳия билан якунланишини кўрсатиб берган.

Мамлакатимизда Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз қарорига кўра, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиббонида танқили ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида адиб ижодида бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ҳамда китобхонлик кечалари ўтказилади.

Чилонзор тумани Дўмбурбод маҳалласидаги Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов яшаб, ижод қилган уйга ёдгорлик лавҳи ўрнатилди.

Ёшлар ўртасида “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдонли” республика кўрик-танлови ташкил этилди. Адиб асарлари асосида спектакллар сахналаштирилмоқда. Шунингдек, ёзувчининг қисса ва романлари қайта нашр қилинмоқда. Жумладан, “Танланган асарлар” и чоп этилди. Китоблари хорик тилларига таржима қилинаёттир.

— Ўткир ака билан мамлакатимиз бўйлаб бормаган вилоятимиз қолмаган, шахар ва қишлоқларда, корхона ҳамда муассасаларда бўлиб ўтган учрашувларда иштирок этганман, — дейди ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад. — Ҳар сафар у кишидаги салимийнинг ҳожибадор қуввати яна

ва яна муҳлисари сафини кўпайтирганига гувоҳ бўлганман. Ўткир Ҳошимовнинг бирон марта ўзига мурожаат этган одамга нисбатан эътиборсиз бўлганини кўрадим. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон, тирик инсон тақдир, қисмати, орзу-ҳаваси, ташвишлари бўлади. Инсонга юксак меҳр-муҳаббатли муносабатни адиб қаламига мансуб асарларида қўриш мўмкин. Синковлик билан таҳлил қилинса, асарларнинг ифода оҳанги, сўз-ибора-жумла танлаш санъати, зиддиятчи ҳолатдаги руҳий изтироблар тасвири, яхшини беҳад севиш, ёмонга аёвсиз нафрат туғиси — шуларнинг барчасида Ўткир Ҳошимов инсон концепциясининг турли қирралари кўзга аққол ташланади.

Кечада Ўзбек давлат драма театри актёрлари ихросида “Дунёнинг ишлари” спектаклидан парча намойиш этилди.

Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли ҳамда санъаткорларнинг қўй-қўшиқлари кечага ўзгача шавқ-заъқ бағишлади.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов сўзга чиқди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Сирожиiddн ВОХИДОВ олган сурат.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2